



# Ishonch

2016-yil  
3-mart,  
payshanba

№ 27  
(3688)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

8 mart — Xalqaro хотин-қизлар куни

## Бахтли аёллар мамлакати

**Аёл — ҳаёт давомчиси, миллат келажаги, лаофат ва нафосат соҳибаси. Аёлларга эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш бизга ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос.**

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга, уларнинг оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш каби ишларни янги bosқичга кўтарди.

Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида ўйлар эканман, болалигимда икки аёлнинг ўз ҳаёти ҳақида айтиб берган мунгли хикоялари ёдимга тушади. Иккови ҳам ота-онадан эрта жудо бўлган, иккови ҳам етимлик жабрини тортган. Улар менинг бувиларим. Бир — дадамнинг онаси Рубия момом, иккинчиси — онамнинг онаси Шакархон момом. Боболарим миллий озолик ҳаракати иштирокчилари бўлгани боис уларнинг оилалари, фарзандлари, яқинлари қатагонга учраб, сарсон-саргардонликда кун кечирган. Болалиги, ёшлиги қайғуга тўла бувиларим ҳаётни бола-бақра, уй-жой, рўзгор ташвишидан иборат, деб билган. Бувиларим сиймосида мен том маънода сабр-қаноатли, оқила, фидойи

ўзбек аёлларини кўрганман. Уша даврларда рўзгор ва дала ташвишлари асосан аёлнинг нозик елкасига ортилганди. Аёл эрта тонгдан тандирда нон ёпиши, болачақа, сигир-бузоқ, қўй-эчкини тўйдириши, ўчоқда сув қайнатиб кир ювиши, дала ишларини бажариши, шом қоронғусида даладан қайтиб, қора қозонни қайнатиши зарур эди. Ачинарлиси, аёл бу юмушларни бетоблигида ҳам, ҳомиладорлигида ҳам, эмизикли даврида ҳам бажарарди.

Кундалик ташвишлардан ташқари аёлнинг мавсумий ишлари ҳам кўп бўларди. Тандир-ўчоқда ёқиш учун келтирилган ғўзапоядаги кўсақларда қолиб кетган пахталар, эчкию қўй жунлари қишнинг узоқ, қоронғу кечаларида аёллар қўлидан тушмасди. Қора чироқнинг ғира-шира ёруғида улар бирма-бир қўлдан ўтказиб титилар, урчуқда йигирилиб, ип қилинарди. Ана шу узун кечаларда киши кўзини қувонтирувчи каштаю сўзаналар яратилар, буй қизларнинг сепини безатувчи ёстиқ-жилдлари, сочиклар, рўмончаларга чиройли нақшлар тикиларди.

Баҳор келиб кунлар қизигач, иллар турли рангларга бўялиб, қуритиларди. Ёзда улардан гиламлар, шолчалар тўқиларди. Кийим-кечалар, кўрнаю ёстиқлар, пўстақлар — барчасини аёллар тайёрларди.

»(3).



## Касаба уюшмалари ва хотин-қизлар

**Нукусда «Хотин-қизлар: жамият, оила ва меҳнат» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди**

Соғлом она ва бола йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирга иқтисодиётнинг турли тармоқларида, ижтимоий-сиёсий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган, касаба уюшмалари ҳаёти ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган хотин-қизлар таклиф этилди.

Президентимиз раҳнамолигида аёлларни эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, истеъдод ва салоҳиятини рўбга чиқариш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

«Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида касаба уюшмаларининг ўрни», «Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг ҳимоя тизимини такомиллаштириш, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини юксалтириш», «Хотин-қизлар орасида касб касалликларининг олдини олиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш» мавзуларида маърузалар тингланди.

— Мулқчилик шаклидан қатъи назар, қорхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига хо-

тин-қизларга хавфсиз меҳнат ва дам олиш шароити яратиш, муносиб ҳақ тўланишини таъминлаш, қўшимча имтиёзлар берилиши киритилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Гулнора Илмуратова. — Ушбу шартнома шартлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ижтимоий шериклик тамойили асосида фаолият юритилиб, хотин-қизларнинг манфаатлари тўлиқ таъминланмоқда.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**  
ЎЗА муҳбири



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Термизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Оқила қиз» кўрик-танлови ўтказилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан сараланган 14 нафар иштирокчи белгиланган мезонлар асосида ўз билимини намойиш этди.

Термиз шаҳридаги 2-академик лицей ўқувчиси Дурдона Эшмуродова биринчи ўрнини қўлга киритди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд вилоятида ҳам «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» шiori остида тиббий-ижтимоий акция ўтказилмоқда.

Булунгур тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлиб ўтган тадбирда пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассислари, олий ўқув юрталари, Самарқанд давлат тиббиёт институти олим ва шифокорлари диспансер назоратида турган бемор ва номиронлар, фертил ёшдаги аёллар, болалар ва кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур тавсия ва амалий ёрдам беришди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш марказида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим сифатини ошириш, янги педагогик технологиялар, тармоқда амалга оширилаётган лойиҳаларга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

Унда янги педагогик технологиялар, «электрон ҳукумат» тизимининг жорий этиш, кенг посыласи хизматларини ривожлантириш истиқболли, давлат идораларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Конференция

## Имтиёз ва имкониятлар

**ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМИНИ ОШИРАДИ**

Навоийда Олий Мажлис Сенатининг Ташки сийсат, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмиталари, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши ҳамкорлигида «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қонунийликнинг ижро этилиши ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Вилоят мамлакатимизнинг йирик индустриал ва маданий марказларидан бири ҳисобланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизда муҳим ўрин тутаяди. Шу сабабли Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йилда мамлакатимиз тарихидаги биринчи эркин индустриал-иқтисодий зона айнан шу вилоятда ташкил этилди. Натيجида, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида чет эл инвестициялари иштирокидаги қорхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга солиқ ва божхона масалаларида имтиёзлар бериш, қўллаб-қувватлаш, эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятининг моддий-техник ва ташкилий

шароитларини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Бугунги кунда бу ерда 19 та завод фаолият кўрсатмоқда. Зона ташкил қилингандан бундан кўрашган инвестицияларнинг 30 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади. Биргина ўтган йили қарийб 184 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 5 миллион АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдагиси экспорт қилинди. 2014 йил билан таққослаганда бу кўрсаткич уч баробарга ошган. Айни пайтда умумий қиймати 68 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 6 лойиҳани амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

**Руслан САБУРОВ,**  
«Ishonch» муҳбири

Ташаббус

Қувасой шаҳрилик Маҳбубахон ая Сотволдиева кўчада болалар «Бойчечак» кўшгини куйлай бошлаши билан кўнжини ширинликка тўлдириб, уларга улашгани ошмади.

— Баҳор яхши-да, — дейди у. — Ариқлар тозаланади, кўчалар обод қилинади. Томорқада иш бошланади. Қиши билан бўшашган танлар тетиклашади.

## Кексалар дуосини олиб

Ая ёлғиз пенсионер. 5 сотихча томорқаси бор. Ҳар йили уйининг олдида лола пиёзи ўтқазади. Лолақизгалдоқ, райхон, ялпиз уруғини сепишни қанда қилмайди. Томорқада эса помидор, пиёз, саримсоқ, картошка, қарам ва турли қўқатлар ўстиради. Нафақаси ўзига бемалол етиб турибди. Лекин ерни бекор қолдириб нима қилади? Жиллақурса, ҳосилни қўшниларга улашар. Ёки болалар боғчасига ҳадя қилар. Коллеж ўқувчилари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ешлар кенгаши, онахон узоқ йиллар меҳнат қилган «Қувасойцемент» АЖ касаба уюшмаси фаоллари тез-тез хабар олиб, аяга уй юмушлари билан бирга томорқа ишларида ҳам яқиндан кўмаклашиб келаётир. Фаоллар бу йил ҳам кўклам келиши билан аянинг хонадонига ҳашарга йиғилди.

»(3).



**Дастур мазмун-моҳияти ўрганилди**

>> 2



**Хавфсиз ва ишончли**

>> 3



**Омад кимга боқаркан?**

>> 4

Бошлангич ташкилотларда

# Мустақкам оила — жамият таянчи

Ўзбек халқи азал-азалдан оила мустақкамлиги ва фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Оиладаги соғлом муҳит нафақат она ва бола саломатлиги, балки уларнинг тинч-тотувлигини ҳам таъминлаган. Айниқса, эр-хотиннинг бир-бирига самимий муносабати ва меҳр-оқибати муҳим аҳамият касб этган.

Фаллаорол тиббиёт коллежи бошлангич касабга уюшма кўмитаси жамоа аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларнинг кўнгилли дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши каби тадбир-

ларни ташкил этишда бош-қош бўлмоқда.

1722 нафар ўқувчига 98 нафар малакали педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларнинг 54 нафари хотин-қизлардир. Ўқувчи қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳат-

дан етук қилиб шакллантириш бирламчи вазифалардан бўлиб, ўқув йили бошида замон талаблари даражасида жиҳозланган спорт комплексининг таъмирдан чиқарилиши мақсадлар муштараклигига эришишга хизмат қилади, албатта.

Утган йили фармация йўналишининг 3-босқич талабаси Шохруза Имомова «Ораста қизлар — мустақкам оила таянчи» кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритиб, «Камолот» ЕИҲ Марказий кенгашининг дипломи билан тақдирланган эди.

жамиятнинг мустақкам таянчи», «Ёшлар ва оила» кабилар шулар жумласидандир. Яқинда тумани миздаги Фафур Фулом маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳор Жумабоева, фахрий педагог Малика Абдурахмонова, ўқув даргоҳи бошлангич касабга уюшма кўмитаси раиси Хамид Донабоев ва катта ҳамшира Дилафрўз Саъдуллаева қизларни балоғатга етмасдан турмушга узатишнинг салбий оқибатлари, Оила кодекси, оила психологияси бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Жамоамиз педагогларидан Манзура Қудратова, Шоҳида Мансурова ва Хуршида Раҳимованинг ҳаёт йўли ҳамда меҳнат фаолияти ибрат қилиб кўрсатилди.

Янглиш ҚУДРАТОВА,  
Фаллаорол тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Семинар

Андижон вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасида жамоа шартномаси бажарилиши яқунларига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

## Раислар ўқуви

Касаба уюшмалари барча туман, шаҳар кенгашлари ва намунали ҳамда йирик бошлангич касабга уюшма ташкилотлари раислари қатнашган тадбирда бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Қ.Ризаев, бўлим мудири Т.Сиддиқов, етакчи мутахассис О.Ахоровнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Иштирокчилар жамоа шартномаларини тузиш, унга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, касабга уюшмаси фаолиятини юритишга оид саволларига батафсил жавоб олди.

Хамидулло МАТИСАЕВ,  
вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

## Ёшлар меҳнати:

кафолат ва имтиёзлар

Сирдарё вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Барака текс» МЧЖда меҳнат қонунчилигига доир масалаларга оид семинар ўтказилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва юридик бўлимлари, Ёшлар кенгаши масъул ходимлари, вилоят Адлия бошқармаси ҳамда Меҳнат бош бошқармаси вакиллари ва раҳбарлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Семинарда ёшлар меҳнати ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари, амалдаги меҳнат қончилигининг асосий меъёрлари, жамоа шартномаси ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир меҳнат қончилиги бўйича берилган афзаллик ва кафолатларни амалга оширишга доир савол-жавобларга бой бўлди.

Ш.УМАРАЛИЕВА,  
Сирдарё вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Муҳофаза

# Иш ўринлари шаҳодати

Маълумки, фуқароларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ноқулай, зарарли, хавфли ишлаб чиқариш омиллари аниқлаш учун иш ўринлари аттестациядан ўтказилади. Аттестация натижасига қараб, меҳнат шaroитини талабларга мувофиқлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. Ноқулай ишларда ва меҳнатнинг бошқа алоҳида шaroитларида банд бўлган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва компенсациялар белгиланади.

Иш жойларида меҳнат шaroитини назорат қилиш, касб хавфини баҳолаш, ходимларни яқка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишнинг тегишли талабларга мувофиқлиги тасдиқланади.

Бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари томонидан вилоятда 2012-2015 йилларда иш ўринларини аттестациядан ўтказган 14 та корхона, таш-

килот ва муассаса иш фаолияти ўрганиб чиқилди.

Мониторинг натижаларига кўра, иш берувчиларга тегишли қоида ва меъёрларга риоя этилиши бўйича аниқланган камчиликларни бар-тароф этиш юзасидан тақдимномалар киритилиб, ба-жарилиши назоратга олинди.

Эркин БОЙЖОНОВ,  
Хоразм вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Жорий йилги Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан Навоий вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Навбахор туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Муҳаббат Қосимова ва Қизилтепа туман пахта тозалаш заводи ишчиси Дилором Ражабовага ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан касабга уюшмалари тизимидagi «Бўстон» санаторийига бепул йўлланмалар берилди.

Бу жамоа ташкилотининг аёлларга эътиборининг яна бир тасдиғидир.

М.НАЗАРОВА,  
бирлашма ижтимоий сугурта бўлими мутахассиси

Маънавият соати



## Дастур мазмун-моҳияти ўрганилди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун ва моҳиятига бағишлаб «Маънавият соати» ўтказилди. Унда Федерация Кенгаши, касабга уюшмалари Республика кенгашлари, Тошкент шаҳри ва вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмалари аппарати, Санатор-курортлар бошқармаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Комила Каромова ва Акмал Умаралиевнинг Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий

ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришлар, қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маърузалари тингланди.

Маърузачилар барча жабҳаларда эришилаётган ютуқлар оқилона сиёсат меваси эканлигини таъкидлашди. Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги жаҳон рейтингларида олдинги сафларда қайд этилиши, хусусан, «Болаларни асарайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллаганини фахр билан айтиб ўтишди.

Ўз мухбиримиз

Жамоа шартномаси — амалда

Самарқанд вилоят Фавкулдада вазиятлар бошқармасида 2015 — 2017 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси ижроси муҳокама этилди.

## Вазифалар белгилаб олинди

Мажбуриятларни бажаришда томонлардаги ҳам-фикрлик, жамоа манфаати йўлидаги собитқадамлик муҳим аҳамият касб этаётган. Аъзоларга муносиб меҳнат шaroити яратиш, уларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнат хавфсизлиги, сани-

тария-гигиена талабларига мос шарт-шaroит мавжуд.

Утган йили 10 нафар ходим соғлигини тиклади. Ходимларнинг юз нафар фарзанди «Ёшлик» истироҳат боғида ташкил этилган маданий тадбирда қатнашди. Касб байрами муносабати билан «Очқ эшиклар» кўни ўтказилиб, уларга спорт майдонлари, тренажёр зали

дан кун мобайнида фойдаланиш имкони яратилди. Тадбир доирасида, яқна оилавий жамоа спорт мусобақалари уюштирилди. Беллашувларда ғолиб чиққан 15 нафар ходим ҳамда уларнинг оила аъзолари маъмурият ва касабга уюшма томонидан рағбатлантирилди.

Бошқармада ҳафтанинг


муайян кўни маънавий тарғиботга бағишланиб, бунда Самарқанд давлат университетининг ўқитувчилари кўмағида фойдаланилмоқда.

Жамоа шартномасининг бир йиллиги ижросини ижобий баҳолаган жамоа аъзолари келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олишди.

Феруза ҚИЛИЧЕВА,  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

## Хавфсизлик бор жойда...

Йўловчи ва халқ ҳўжалиги юкларини ташишда турдош корхоналар ичида Бухоро локомотив депоси жамоасининг муносиб ўрни бор. Фаолият бошлаганига юз йилдан ошган жамоада техника ва технологиялар муттасил такомиллашиб, даромадларнинг ошиб боришини таъминламоқда. Масалан, 2013 йилда бу ерда 4601 млн. тонна халқ ҳўжалик юклари, 560 минг йўловчи ўз манзилига етказилган бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 4906,3 млн. тонна ва 581 минг йўловчининг ташкил этди. Жорий йилда янада салмоқли натижаларга эришиш учун режалар ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.



Корхона жамоаси учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун депода алоҳида ўқув хонаси ташкил этилган. Шинам ва ҳар томонлама жиҳозланган хонада соҳага оид кўргазмалар воситалар, адабиётлар, йўриқнома ва қўлланмалар мавжуд. Амалга оширилаётган тадбирларни меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандиси Абдурусул Боқиев мувофиқлаштириб боради. Мавжуд 15 та цех ходимлари жадвал асосида ўқув машғулотларида иштирок этади. Ўқувларни малакали мутахассислар олиб боришади. Улар ходимларнинг хавфсизлик борасидаги билим даражаси, касбига лаёқатини синовдан ўтказишади. Соҳа янгиликларидан хабардор қилишади.

бий билимининг имтиҳонда намойиш этади. Бу эса иш жараёнида бахтсиз ҳодисалар келиб чиқмаслигининг муҳим кафолати.

— Локомотив бригадаларининг дам олиш уйидаги шарт-шaroит ҳам бизга яқини кайфияти бағишлайди, — дейди машинист йўриқчиси Мақсуд Соҳибов. — Ҳар гал йўналишга чиқиш олдидан айнан шу ерда дам олиб, сафарга тайёрланамиз. Бўш вақтимизда газета-журналлар орқали янгиликлардан хабардор бўламиз, шахмат-шаҳка ўйнаймиз. Мен касабга уюшма кўмитамиз томонидан жоматчилик асосида спорт йўриқчиси этиб тайинланганман. Ишдан бўш пайтларим жамоамиз ёшларини спорт мусобақаларига тайёрлайман. Бухоро минтақадан йўл узели корхоналарга ўртасида ўзимизнинг муносиб ўрнимиз бор.

Иzzатулла ХОЖИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий шерклик

# Энг яқин сўянчиқ

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Шахрисабз туман кенгаши таркибида 48 та бошлангич ташкилот бўлиб, 22616 нафар (шундан 4877 нафари коллеж ўқувчилари) аъзони бирлаштирган. Мухими, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор тобора кучайиб бораётган. Жумладан, 33 та ижтимоий сугурта маблағи ҳисобидан, ўнга касабга уюшма бюджетидан йўлланмалар олиниб, 43 нафар ходим санаторийларда соғломлаштирилди. Шундан уч нафари (ишлайдиган фахрийлар, ёлғиз аёл) имтиёзли, яъни бепул дам олишди.

Тумандаги 13 та фермер ҳўжаликлари худудий бирлашган касабга уюшма кўмитаси фаолиятида ўзига хос ўсиш кузатилмоқда. Семинар ҳамда турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. Тажрибали ва ёш раислар ўртасида «Устоз-шогирд» анъаналарига асос солинган. «Шакартери» худудий бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси Мейликул Рўзиёева, «Дўқчи» худудий бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси Берди Садинов ёшларга бош-қош. «Обиджон Фазенда» фермер

ҳўжалиги раиси ишлари, айниқса, таҳсинга лойиқ. Кўп тармоқли ҳўжа-лик раҳбари Обиджон Мамадиев «Энг фаол ёш мутахассис» кўрик-танловининг «Энг фаол ёш фермер» йўналишида иштирок этиб, вилоят босқичида учинчи ўринни эгаллагани ҳам беҳиз эмас. «Шахрисабз вино-ароқ» акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси ва маъмуриятнинг ижтимоий шеркликдаги фаолияти ҳам-касбларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Корхонада жамоа шартномаси бандларига тўла амал қилинаётган.

Тўй-маъракаларда тегишлича кўмаклашилмоқда.

Оилавий шaroитдан келиб чиқиб, моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ходимларнинг олий ўқув юртиларида тахсил олаётган фарзандлари шартнома пуллари иш ҳақидан ушлаб қолиш шarti билан жамият томонидан тўлаб берилаётган.

Бир сўз билан айтганда, жамият раиси Саъдулло Фуломов ва касабга уюшма кўмитаси раиси Искандар Бўриевдан барча миннатдор. Қай мазмунда мурожаат қилинса, аризаларнинг тўла эътиборга олин-наётгани ишининг унуми ошишига хисса қўшмоқда.

Яна бир намунали бошлангич ташкилот — «Дон халқ ризқи» очқ хиссадорлик жамиятида 395 нафар ходим (улар орасида мавсумий ишлайдиганлари ҳам бор) меҳнат қилади. Утган йили иш берувчи томонидан 10 нафар ходимга намунали

лойиҳа асосида қурилган уйдан сотиб олиш учун бошлангич маблағ фойдасиз тўлаб берилди.

Шахрисабз агроиқтисодиёт касб-хўна қоллежида касабқўм етакчиси Илҳом Қўрбонов ходимлар ва ўқувчиларнинг энг яқин сўянчиғи. Раис мурожаатларини дафтарига қайд этиб борар экан, ечимни таъминланмагунча тинчимайди. Тармоқ касабга уюшмаси туман кенгашига бир неча бор келиб кетади, директорни тез-тез «безовта қилади». Яқинда туман кенгаши томонидан коллежга спорт жиҳозлари олиб берилди. Бу эса коллеж ходимлари ва ўқувчиларининг оммавий спорт тадбирларида фаол қатнашувини таъминлаётган.

— Қилинажак ишлар кўп, — дейди агроросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Шахрисабз туман кенгаши раиси Азамат Мўминов. — Жорий йилда давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб янги иш ўринлари яратиш, Федерация томонидан белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга табиқ этиш борасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда унинг ижроси юзасидан ишлар бошлаб юборилди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

# Бахтли аёллар мамлакати



**Ќ(1).** Уша давр аёллари ҳаётини кўз олдига келтирар эканман, турмуш шариоитининг огирлигидан нолимай, барча қийинчиликларни сабр-қаноат билан енгиб ўтиб, бир умр одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмай, муқаддас аёллик шаънига, ор-номусига доғ туширмай яшаганларига қўйил қоламан, тасаннолар айтаман: улар одам қиёфасидаги париларми ёки пари қиёфасидаги одамлармиди?!

Сочи супурги, қўли косов бувиларимнинг ўзига оро бериш у ёқда турсин, ўсма қўйганини ҳам эслай олмаман. Дам олиш, соғлигини тиклаш, бирон-бир шифохонада (у пайтларда шифохоналар камбў эди) ётиб даволаниш деган гаплар уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Қисматнинг қора кунлари, турмуш машаққатлари уларнинг соғлигига, умрига зомин бўлди. Шакархон бувим 56 ёшда, Робия бувим 63 ёшда вафот этди... Улар дунёга келиб нима кўрди?

...Пойтахтимиздаги «Чинобод» санаторийсида дам олаётган ойимни кўргани бордим. Палатада ўз тенгқурлари билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Улардан ҳол-ахвол сўрагач, ситҳтоҳдаги шариоит, кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим.

— Нимасини айтасиз, қизим, бу ерда яратилган шариоитдан ҳам, кўрсатилаётган тиббий хизматдан ҳам жуда мамнунмиз. Ошхонадаги тўкин-сочинликни айтмайсизми?! Дим маза, дим маза, — дейди хоразмлик Курбоной Худоёрова.

— Бизга шундай чиройли шариоитларни, тўкин-сочинликни яратиб берган Президентимизга минг раҳмат. Бизни иззат қилганларни Яратганнинг

ўзи қўлласин. Илоҳо, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка, тўкин-сочинликка кўз тегмасин, — дея фотиҳага қўл очишди онахонлар.

Ҳа, мустақиллик туфайли Президентимиз раҳнамолигида аёлларнинг ҳаёт тарзи, яшаш шариоити, ўзига муносабати тубдан ўзгарди. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, огирини енгил қилиш, жамиятда гендер тенглигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саксондан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилинди, халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Ҳа, Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан истеъдодини намён этган иқтидорли қизлар тақдирланмоқда. Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган умумий миллий дастур амалга таъбиқ этилмоқда. Оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 75,8 ёшга кўтарилгани ушбу эътибор ва гамхўрликнинг самараси.

Бугун Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қўлай шариоитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Мамлакатимизнинг 14 аёли Ўзбекистон Қўрамонини унвонига сазовор бўлган. Ўзбек аёли дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. Ўзбек аёл-

лари орасида 10 мингдан ортиқ олима бўлиб, уларнинг 6 нафари академик. Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган қизларимиз 200 нафардан ошди.

Бугун мамлакатимиздаги оилаларнинг 94 фоизи музлатгичлар, 84 фоизи маиший электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи чанпогич, кондиционерларга эгалик аёлларнинг огирини енгил, рўзгорини фаровон қилмоқда.

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Гўзаллик саломи», модалар ателеси, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохобчалари аёллар турмуш маданиятини оширишга, уларнинг янада кўракма ва латофатли бўлишига хизмат қилмоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фирмини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган «Ўзбекистон аёллари — 2015: ижтимоий ва руҳий ҳолати» маърузидаги сўровнома натижаларига кўра 97,2 фоиз аёл ўзини бахтли ҳис қилишини, уларнинг аксарияти ўз ҳаётидан мамнунлигини билдирган.

Бугунги ўзбек аёли дунёдаги энг бахтли аёл. У соғлом фарзандларнинг онаси, файзли хонадон, фаровон рўзгор бекаси. Жаннат оналар оёғи остида, деб билган жаннатмонанд юртининг эрка, бахтиёр фуқароси. Оналаримизнинг тилаклари, дуолари ижобат бўлган: Ўзбекистонимизнинг озодлиги ва ободлиги абадий, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик боқий бўлсин!

Гулшод АЗИМОВА, ЎЗА шарҳловчиси

## Қарор ва ижро

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида энгил автомобилларда йўловчи ташиш фаолияти шаҳар йўловчи транспорт тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада дастуриямал бўлаётми. Тошкент шаҳар ҳокимилиги Йўловчи транспортнинг барча тури ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Йўналишсиз таксилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг ўтказиш бўлими бошлиғи Мираваз ДАЛИЛОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

## Хавфсиз ва ишончли



— Юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот фуқаролар манфаатини кўзлаб амалга оширилади. Жумладан, йўловчилар хавфсизлигини ўйлаб қилинаётган ишларнинг афзаллигини ниҳоятда кўп. Шу ҳақда қисқача тўхталишга...

— Биринчидан, ҳаётимиз ўзимиз ва яқинларимиз учун бебаҳодир. Ҳар кун кўчага чиқар эканмиз, жамоат транспортининг у ёки бу тури, хусусан, таксилар хизматида фойдаланамиз. Ноконуний таксилар эса йўловчининг хавфсизлик қафолатини таъминлай олмайди. Сиз ўтирган машина кимники, техник жиҳатдан соғлом, ҳайдовчининг тажрибаси, ҳозирги аҳоли қанча? Эҳтимол у алкоғол таъсиридадир ёки соғлиги кўтармас. Албатта, йўлдаги вазиятларни ҳеч ким олдиндан айта олмайди. Худо кўрсатмасин машина бирон фалокатга учраса ёки шошилишда қимматбаҳо бўйингизни унутиб қолдирсангиз нима бўлади? Иккинчидан, ноконуний фаолият олиб бораётган ҳайдовчи ҳаёти учун ҳам маълум маънода хавф бўлиши мумкин. Машинасига кимни миндирди, қайси манзилга бораётганидан ким хабардор, борди-ю, панасткам жойга бориб, нияти ёмон кимсаларга дуч келиб қолса нима қилади? Бу саволларни ҳар биримиз ўзимизга қилиб кўрсак, қўзланган мақсад ойдин бўлади.

Энди лицензия асосида фаолият юритаётган таксининг афзалликлари ҳақида тўхташсак. Ноконуний таксилардан фарқли ўлароқ, йўналишсиз таксилар йўловчи ва унинг буюмлари учун жавобгар бўлади. Михоз машинага ўтиргандан бошлаб, ўз манзилига етгунча унинг ҳаёти ва соғлиги 10 000, буюмлари йўқолиши ёки шикастланиши эса 1000 АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда сўғурта қилинади. Уларнинг машинаси билан бирга кунлик тиббий ва техник кўриқдан ўтказилиши ҳам диққатга сазовор.

— Ўз энгил автомобилда йўловчи ташишчи бўлган ларнинг лицензия олишгача бўлган ишни бироз мураккаб эмасми?

— Аввало, ҳайдовчи ўз фаолиятини қонуний асосда олиб борса, бунинг афзал ва устун жиҳатларини кўради. Бирламчи, ўзи ва йўловчининг ҳаёти хавфсизлиги таъминланади. Ноконуний фаолият учун белгиланган жаримча (биринчи бор бўлса, фуқаролар учун энг кам иш ҳақининг 20 дан 100 бараваригача) тортилмайди. Қолаверса, меҳнат қонунчилигига биноан ишга жойлашади. Демак, унга стаж ҳисобланади, иш ҳақи, ҳақ тўланадиган таътил берилади. Борди-ю хасталанса касаллик варақаси асосида маошини олади. Автомобилига ҳам техник хизмат кўрсатилади. Шулар ҳисобга олинса, лицензия олишгача бўлган ишни мураккаб деб бўлмайди.

— Лицензия турлари, суммаси, кимларга қай тартибда берилиши ҳақида яна бир эслатиб ўтсангиз...

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, автомобиль транспортда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан бажарилади. Йўловчи ташишга мўлжалланган йўналишсиз такси фаолияти билан шўғулланмоқчи бўлган ҳайдовчи бирорта такси қорхонаси (юрдик шахс)га мурожаат қилиб, ўз автомобили билан шартнома асосида (нотариус орқали) ишга кириши мумкин. Ҳукумат қарорига кўра, шаҳарда ҳаракатланадиган тўрт ўриндиқли оддий энгил автомобил учун йиллик давлат божи 75, тўртдан ортиқ ўриндиқли автомобиллар учун 125 АҚШ доллари эквивалентига тенг (тўловлар Марказий банкнинг шу кундаги валюта курси бўйича сўмда амалга оширилади). Лицензия ижарага олинган автомобилларга ҳам берилади. Транспорт воситаси ташиш ва ички маълумотларга эга бўлган ягона танитилган белгилар билан жиҳозланиши керак. Ташиқ белгилар гуруҳига автотранспорт воситасининг тепасига қўйилган тўқ сариқ рангли фонарга «ТАХИ» танитувчи белгисини ўрнатиш, шахмат тартибда жойлаштирилган қора квадратлардан иборат композиция ва автотранспорт воситасининг олдинги эшиклариди «Т» ҳарфлари, автотранспорт воситасининг олдинги эшикларидидаги юридик шахс — ташувчининг номи, махсус сериядаги давлат рақами белгиси кирди. Тошкент шаҳрида йўналишсиз таксилар сифатида ишлагача «фил сўғи» рангидида автотранспорт воситалари қўйилади. Йўналишсиз таксиларни ички маълумотлар билан таъминлаш қўйидагиларни ўз ичига олади: олд ойнанинг юқоридаги ўнг бурчакка жойлаштирилган яшил рангли ёритиш чироғи (ёниқ бўлса, таксининг банд эмаслигини билдирди), таксометр (ҳисоблагич), радиоалоқа воситаси, автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси, ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми, фотосурати, иш вақтининг бошланishi ҳамда тугаши, йўлқира қиймати, ташувчининг манзили ва телефон рақами, лицензия ҳамда сўғурта ҳақида манбалар акс этган маълумотлар таблоси.

— Йўналишсиз такси фаолияти билан шўғулланувчи ҳайдовчига қўйиладиган талаблар қандай?

— Ҳайдовчилик гувоҳномасида «В» тоифали рухсат белгиси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўриқдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик тажрига эга бўлиши, имкон қадар ҳар бир мавзе, кўчаларни яхши билиши, ҳушмуомалалик билан йўловчига сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатиши, хизматлар ҳақида ўз вақтида тўлиқ ва тўғри маълумот бериши керак. Етказилганда манзил масофаси бўйича олинган йўлқира ҳақи ҳақида таксометр назорат касса машинаси кўрсаткичи бўйича йўловчини хабардор қилиши, йўловчиларни таксига ўтказиш ва туширишни махсус жиҳозланган тўхташ жойлари, тегишли ҳаракатдаги таркибининг тўхташига рухсат берилган кўча-йўл шохобчалари ҳамда йўловчилар бюртмаси бўйича таксилар бериладиган жойларда амалга ошириши лозим.

«Ishonch» мухбири АБДУЛГАЙ АБДУЛГАЙ СУҲБАТЛАШДИ.

## Ислоҳот

**Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ кенг қўлама бошланган ислоҳотлар самараси бугун мамлакат ҳаётининг барча жаҳасида яққол намён бўлмоқда. Хусусан, республика иқтисодиётининг қон томири бўлган банк тизимида туб ўзгаришлар юз бериб, соҳа инфратузилмаси кенгайди. Банк хизматлари замон талаби асосида тақомиллашди. Хизмат турлари кўпайиб, қатор қўлайлик ва интизорлар яратилди. Айниқса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш воситаси, яъни пластик қарточкалар жорий этилгани банклар фаолияти учун ҳам, аҳоли учун ҳам аини мудоао бўлди.**

## Ҳисоб-китобнинг қўлай усули

Банк-молия тизимидаги ушбу ижобий ўзгаришлар «Ипотека банк» акциядорлик тижорат банкнинг Юнусобод тумани филиали фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Филиал раҳбарияти доимий ва бошқа миқозлар учун ҳар жиҳатдан мақбул келадиган хизмат турларини жорий этиш, шунингдек, аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида пластик қарточкалар орқали кўрсатиладиган янги ва хилма-хил хизмат турларини таъсия этмоқда.

«Ипотека банк» акциядорлик тижорат банкнинг Юнусобод тумани филиали бошқарувчиси Беҳзод Амоновнинг таъкидлашича, 2016 йил 25 феврал ҳолатига филиал тарқатган пластик қарточкалар сони аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 9125 тага кўпайиб, 57 мингтадан зиёдини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда юридик шахслар 304 та, яқка тартибдаги тадбиркор шахслар эса 195 та корпоратив пластик қарточкалари орқали банк хизматларидан фойдаланмоқда. Филиал пластик қарточкаларидаги пул маблағлари салмоғи 9 миллиард сўмдан зиёдини ташкил этмоқда. Терминаллар сони эса 962 тага этди.

Сўм пластик қарточкали миқозлар кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, банк филиали уларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида қўшимча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўз мухбиримиз

# Кексалар дуосини олиб

**Ќ(1).** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши баҳор мавсумида республикамиздаги яқка-ёлғиз, боқувчисиз бўлмаган меҳнат фахрийларига томорқаларида экин экиш, парвариш, ободонлаштириш ишларида кўмаклашишни режалаштирди, — дейди Фаргона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Самандар Раҳмонов. — Биз ҳам ташаббусдан четда турмай маҳаллий ҳокимият, маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали томорқа ишларида ёрдамга муҳтож меҳнат фахрийлари рўйхатини шакллантирдик. Жойлардаги коллеж, корхона-ташкилотлар касаба уюшмаси фаоллари иштирокида бундай хонадонларда ҳашар уюштирилади. Қувасойлик Маҳбубахон ая анчадан бунён вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгашининг эътиборида. Ўзимизнинг бувимиздек



бўлиб қолган. Турли байрамларда ҳолидан хабар оламиз. Уй ишларига қарашамиз. Ая кўшнларга набираларим мени йўқлаб келиши, дея мақтаниб ҳам кўяди. Жорий йил «Қувасойшифер» ҳамда «Қувасойцемент» АЖларнинг яқка-ёлғиз, боқувчисиз бўлмаган меҳнат

фахрийлари томорқалари ҳашар йўли билан тартибга келтирилди. Жумладан, Маҳбубахон ая ва Владимир Прокаев томорқаларига мевали қарточкалар ўтказилиб, 30 дан ортиқ дархатларга шакл берилди. 600 м<sup>2</sup> томорқа ер майдонига ишлов берилиб, картошка, редиска ва бошқа

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

## Реклама ва эълонлар

### Аукцион савдолари хабарномаси!

**«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади**

2016 йил 23 март кунини соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилоят ҳудудий электр тармоқлари акциядорлик жамиятининг 29.02.2016 йилдаги 32-22/450-сонли бюртма-хатига асосан такрорий аукцион савдоларига жамият ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт ҳамда қишлоқ хўжалиги техника воситалари ЛОТ тартибда ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда.

ЛОТ №	Транспорт (қишлоқ хўжалик техника) воситаси русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси
1	ГБА СНГ УАЗ-3151201 автомашини	1987 йил	80/667 УАА	1 718 738
2	ГАЗ-5227 автомашини	1984 йил	80/668 УАА	3 721 550
3	Зил 431610 автомашини	1989 йил	80/663 ОАА	2 175 506
4	ГАЗ 5227 автомашини	1986 йил	80/640 ОАА	7 443 100
5	ГАЗ 330210 автомашини	1995 йил	80/081 МАА	6 709 500
6	ГБА СНГ ГАЗ 3307 автомашини	1992 йил	80/641 ОАА	6 835 500
7	T 28x4мс трактор	1996 йил	80/592 АА	1 823 292
8	T 28x4мс трактор	1988 йил	89-06 БВ	2 866 222
9	MT3 80 трактор	1996 йил	22-32 БО	6 557 359
10	T 28x4мс трактор	1991 йил	23-78 ЕЗ	1 823 292
11	T 28x4мс трактор	1992 йил	24-40 ЕЗ	1 823 292
12	T-28x4МС трактор	1989 йил	04-46 БО	2 734 937
13	ТТ3 80 трактор	1996 йил	50-25 БГ	2 679 122
14	ТТ3 80 трактор	1996 йил	57-94 БГ	2 807 728
15	T-28x4MC1 трактор	1989 йил	83-21 БГ	1 823 292

### Талабгорлар диққатига!

2016 йил 23 март кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдолари 2016 йил 30 март кунини бўлиб ўтади. Аукцион савдоси голибига 10 кунлик муддат ичиди олди-сотди шартномасини тузиш маж-

бурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бююр-

тманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулининг тўлашлари ҳамда жиҳмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатини ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali. СТИР: 302523082, МФО: 00115 АТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Бююртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali. Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел.: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ TOSHKENT MINTAKAVIY FILIALI QUYIDAGILARNI MA'LUM QILADI!

«Ishonch» gazetasiining 2016 йил 9 февралдаги 17 (3678)-сонида берилган хабарномада 2016 йил 14-, 22-, 29 март кунлари аукцион савдосига қўйилган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қўрсарой» ҚФЙ, Шифобахш сувлар кўчаси манзилида жойлашган икки қаватли маросимлар ўтказиш ва умумий оқватланиш мажмуасига мўлжалланган, қурилиши тугалланмаган 425 000 000 сўмлик бино ва ишончларнинг аукцион савдоси 2016 йил 14-, 22-, 29 март кунлари ўрнига 2016 йил 14-, 17-, 22-, 25-, 29 март кунлари деб ўқилиши. 2016 йил 17-, 25 мартдаги такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишининг охириги муддати 15-, 23 март кунлари соат 18:00.

Асос: ТИФ «Миллий банк» Тошкент вилоят бўлимининг 2016 йил 15 февралдаги МР-11/762-сонли хати. Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Соғлом оила — соғлом жамият

# Мусобақалашининг ўзгача гашти



Нукус шаҳрида ўтказилган «Соғлом оила» спорт мусобақаларининг худудий босқичи қатнашчилари беллашувларнинг мурасасиз ўтишини таъминлайдиган даражада пухта хозирлик кўрганликларини амалда исботлашди. «Соғлом оила» бола йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом оила» шiori остида ўтказилаётган спорт мусобақаси оммавийликни ошириш баробарида, соғлом оилалар сафини кенгайтириш, ҳодимларни касб касалликларидан асраш, жисмоний тарбиянинг ролини юксалтириш ва меҳнаткашларда бўш

вақтлардан самарали фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш каби вазифаларни ўз ичига қамраб олган.

Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаоллари бош-қош бўлган спортсевар оилалар ўртасида ташкил этилган мусобақада қатор вазирлик ва ташкилотларнинг мутасадди вакиллари иштирок этишди. Шаҳар ва туманлардан келган 28 оилавий жамоа ўртасида кечган қизиқарли беллашувлар голибларни аниқлаш зиммасига юклатилган нуфузли

ҳакамлар ҳайъати аъзоларини ҳам биров ўйлантириб қўйди.

Мусобақа якунида ўғил фарзандли оилалар ўртасида Нукус олимпия захирали спорт коллежи ўқитувчиси Ж.Жумабоев ва қиз фарзандли оилалар ўртасида Қораўзақ тумани 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси М.Ҳабибуллаевлар оилавий жамоалари голиб деб топилди.

Нукус шаҳридан М.Раджапов, Амударё туманидан Х.Жуматов ва Ҳўжайли туманидан Х.Бекназаров етакчилигидаги оилавий жамоаларга кейинги ўринлар насиб этди.

Шунингдек, «Энг чаққон оила», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила» ва «Фаол иштирок этган оила» номинациялари бўйича голиблар аниқланди.

Табдир қатнашчилари ташкилотчилар томонидан қимматбахо совға ва дипломлар билан мукофотланди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**  
«Ishonch» мухбири

Соғлом она ва бола йили муносабати билан Термиз шаҳри ва барча туманларда тармоқ касабаси уюшмалари томонидан ташкил этилган «Соғлом оила» шiori остидаги спорт беллашувларининг вилоят босқичида 30 та оилавий жамоа қатнашди.

Оилавий спорт мусобақалари Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касабаси уюшмаси Ангор тумани беллашувлари голиби Ойбек Очилов, Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабаси Бойсун тумани бахслари-

да 1-ўринни эгаллаган Бахтиёр Бўриевларнинг оилавий жамоалари томонидан бошлаб берилди.

Кези келганда, мусобақалар Термиз мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш коллежининг қулай ва шинам спорт залида ажойиб муҳит остида ўтганлигини таъкидлаш лозим.

— Илгари ҳам қўлпал спорт мусобақаларида иштирок этганимиз. Бироқ, бу галгиси бошқачароқ кечди. Оилавий мусобақалашининг гашти ўзгача бўларкан. Фарзандларимизни спортга ошно этиш қанчалар муҳимлигини бугунги беллашувларда янада чуқурроқ англадим, — дейди кумқўргонлик спортсевар оила бошлиғи Одилжон Чориев.

Қизгин кечган беллашувлар якунига кўра, 8-12 ёшли қиз болалар ўртасидаги беллашувларда шўрчилик Анвар Эрматовлар оиласи 1-ўринни қўлга киритди. Бойсунлик Бахриддин Шарипов оиласига эса иккинчи бўлиш насиб этди. Сароисёилик Хусан Саидовлар оилавий жамоаси совриндорлар сафини яқунлаб берди.

8-12 ёшли ўғил болалар мусобақасида шерободлик Фахриддин Ташаев, музрободлик Ҳамид Хўжаев, сароисёилик Хумоюддин Бойматов оилавий жамоалари шохсупадан жой олди.

Голиб ва совриндорларга Сурхондарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасининг дипломи ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Олтинсойлик Ташболта Меликулов ҳамда Термиз туманидан Орузмурод Абдуллаевлар оиласи «Энг чаққон оила», Термиз шаҳридан Назар Йўлдошев ва узунлик Камолитдин Рўзибадаловлар оиласи «Ғалабага бўлган интилиши учун», кумқўргонлик Одил Чориев, олтинсойлик Шерали Умаровлар оиласи «Энг фаол оила» номинацияларида голиб деб эътироф этилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири



росимига тўпланишган. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграйди. Шундан сўнг халқаро тоифадаги спорт устаси деб топишган велоспортчиларга гувоҳномалар топширилди. Ушбу мусобақанинг илк ташкилотчиси, қўлпал спортчилар устози, фахрий мураббий Алберт Искандаров юбилей ёши муносабати билан тақдирланди. — Республика олимпия захирали коллежида мураббийман, — дейди Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидан Тимур Ғамбаров. — 14 ёшимдан велоспорт билан шуғулланаман. Мамлакатимиз биринчилигида кўп бор голиб чиқиш насиб этган. Бу орада икки бор жаҳон чемпиони бўлдим. Ушбу спорт тури ҳаётим мазмунига айланганга боис бошқаларни ҳам сафимизга қорлашдан асло чарчамайман. — Мен эса ушбу коллежда иккинчи курсда тахсил оламан, — дея сўхбатга қўшилиди Яшнобод туманилик Нафосат Қозиева. — Ҳозир 18 ёшдаман. Кўп қарра Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Утган йили Оснэ кубогининг иккинчи турида Хиндистонда ўтган мусобақада иккита кумуш медал соҳиб бўлдим. Икки йил бурун спорт устаси унвонини олдим. Бу ўтуқларда Тимур ака каби қўлпал устоз-мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлапти. Шундан сўнг Чирчиқ шаҳридаги «Ором» тўғони ёнидан беш кун давом этадиган ушбу халқаро мусобақага старт берилди. Кўрамаиз, Ўзбекистон, Қозғистон ва Россиядан иштирок этиш истагини билдирган қарийб 200 нафар спортчининг қайси бирига омад кулиб боқаркин...

**Ўз мухбиримиз,**  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар

Эъзоз

«Бўстон» санаторийида ўтган йили «Касабаси уюшмалари — фахрийларга» аънавий акцияси доирасида бир қатор уруш ва меҳнат фронти фахрийлари саломатлигини тиклади. Улар билан кордиолог шифокор ва психолог томонидан мунтазам суҳбат ва тренинглари олиб борилди.

## Жонга дармон бу «Бўстон»

Фахрийларнинг мароқли дам олиши учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Қадимий қадимжолар, музейлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, фан арбоблари, шоир ва ёзувчилар ҳамда санъаткорлар билан ижодий учрашувлар уюштирилди.

Соғлом она ва бола йилида ҳам санаторий жамоаси ушбу эзгу ишларни изчил давом эттирмоқда. Ҳар бир шифокор мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда она-болаларга даво усулини қўлламоқда. Чўмилиш ҳавзасида тегишли мутахассис оналар учун сув гимнастикаси машқини ўтказса, болалар эса назорат остида сузишни ўрганишади. Ишчи-ҳодимлар ўртасида оилавий спартакиада уюштириш режалаштирилган. Болалар майдончаси таъмирланиб, янги мавсумга тайёрлаб қўйилди. Она-болалар сайр қилиши учун боғ ҳудудида хиббон барпо этилмоқда.

Санаторий ҳудудини обод-доллаштириш ишлари кенг қўламда олиб бориллаётган. Катта майдон тозаланиб, мевали ва манзарали даракт кўчатлари ўтказилди. Иссиқ-хуш ҳаво турли навадаги гул кўчатлари экиш учун тайёрланмоқда.

Яқинда санаторийда улғунуф фахрийлар Мир Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари муносабати билан ташкил этилган тадбир таасирдорларга бой бўлди. Шунингдек, «Соғлом она — жамият таянчи» мавзусида Маънавият соати ўтказилди. Унда ишчи-ҳодимларга «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**Ўз мухбиримиз**

Велоспорт

Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежи биноси соғлом турмуш тарзи ва велоспортни тарғиб қилувчи баннер, кўргазмалар билан байрамона безатилган. Спортчилар кўзида ғалабага бўлган иштиёқ ёлқинланади.

# Омад кимга боқаркан?

Улар Тошкент вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Велоспорт федерацияси вилоят бўлими томонидан профессионал велопоиға-

чилар ўртасида ҳоссе бўйича катта халқ йўлларига ўтказилган кўп кунлик «Тошкент вилояти — Тур» халқаро мусобақасининг тантанали очилиш ма-



Саломатлик сабоқлари

# Зика иситмаси қандай касаллик?

Зика иситмаси вирус қўзғатадиган, асосан маймуларда учрайдиган, баъзида одамга чивинларнинг маълум бир тури чақиши орқали юкдаган, иситма ва интоксикация билан кечадиган, енгил шаклда ўтадиган ўткир зооантропоноз эндемик юкмули касаллик.

Зика иситмаси вируси илк бор 1948 йилда Уганда давлати ҳудудидаги ўрмонларда учрайдиган макака — резус маймуларидан ажратилган.

Зика ўрмони ҳудудида ажратилганлиги боис ушбу вирусга «Зика вирусини», у қўзғатадиган касалликка эса «Зика иситмаси» деб ном берилган.

Зика вирусини Flaviviridae авлоди ва Flaviviridae оиласига мансуб бўлиб, одамлардан биринчи марта 1968 йил Нигерияда ажратиб олинган.

Вируснинг ташувчиси Aedes чивинлари (асосан Aedes albopictus чивини) ҳисобланиб, улар Африка ва Лотин Америкаси давлатларидаги ўрмонларда кўпроқ учрайди.

Зика иситмасининг тўғридан-тўғри одамдан одамга, маймулардан одамга юқиши исботланмаган. Бугунги кунда касаллик одамларга ҳам, маймуларга

ҳам фақат чивин чақиши натижасида, яъни трансмиссия йўли билан юқиши аниқланган.

Ушбу чивин Сариқ иситма, Денге, Чикунгуя, Ғарбий Нил, ол энцефалити, Чаче ва Сейнт-Луис водийси иситмалари вирусларининг ҳам ташувчисирид.

2007 йилда Тинч океанидаги Яп ороли (Микронезия федератив штапи)да яшаётган аҳолининг 70 фоизи Зика иситмасига чалинган (5000 га яқин одам касалланган) ва уларнинг барчаси тувалиб кетган.

2013 йилда Франция Полинезиясида касалликнинг оммавий тусда қайд этилиши кузатилиб, 20 000 га яқин одам унга чалинган. 2014 йилнинг феврал ойига келиб касалланганлар сони 28 000 га етган.

2015 йилнинг апрелидан бошлаб Зика иситмаси Жанубий Америка давлатларидан Бразилия, Чили, Колумбия,

Сальвадор, Гватемала, Мексика, Парагвай ва Венесуэлада кенг тарқалди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, 2016 йилнинг 1 феврал ҳолатига мазкур касаллик қайд этилган мамлакатлар сони 27 га етган.

Бугунги кунда Бразилиянинг 18 та штатида 1,5 млн. нафардан ортиқ одамга Зика вирусини юқунлиги аниқланган. Ҳозирда ушбу халқаро асосан Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг эндемик ҳудудларида оммавий тусда қайд этилмоқда.

Жорий йилнинг январ ойида касалликнинг АҚШ, Дания ва Швеция давлатларига кириб келиш ҳолатлари кузатилган.

Касалликнинг яширин даври 3 кундан 12 кунгача давом этади. Касаллик кўпроқ (70 фоизгача) клиник белгиларсиз ва камроқ ҳолларда (30 фоизгача) клиник белгилар билан кечади. У қуйидаги клиник белгилар билан намоён бўлади:

- бош оғриғи, бўгинларда, кўз чуқури соҳасида оғриқ;
- ҳалсизлик;
- дастлаб юзда, кейинчалик бутун ба-

данда макулёз ёки популёз тошмалар топиши;

- тана ҳароратининг кўтарилиши, совқотиб қалтираш;
- кучли ёруғликдан безовта бўлиш;
- конъюнктивит;
- баъзи ҳолатларда кўнгли айниши, қусиш, ошқозонда оғриқ кузатилади.

Касаллик ҳомиладор аёлларда ҳомиладанинг ривожланишига салбий таъсир қилади.

Агар ҳомиладор аёл ҳомиладорликнинг биринчи 3 ойлигида Зика иситмасига чалинса, уларда ҳомила аномалиясининг ривожланишига, чақалоқларда эса микроцефалия (миянинг ривожланмай қолиши) кузатилиши мумкин.

Бемордан олинган эпиданамез ва клиник маълумотлар ҳамда лаборатория текшириш натижалари (иммунофермент анализ, полимераз заанжирли реакция) асосланиб, беморга яқуний тахис қўйилади.

Беморга тахис қўйишда унинг Зика иситмаси бўйича эндемик ҳудудларда бўлганини тўғрисидаги маълумот

мот ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Касалликнинг махсус даволаш усуллари мавжуд эмас. Даволаш симптоматик олиб борилди. Беморга иситмани туширадиган, оғриқни қолдирадиган, теридаги қичишни камайтирадиган дорилар, шунингдек, кўпроқ суқоқилар тайинланади.

Касаллик асосан енгил, ўрта оғирликда кечади ва шу сабабли беморлар тўлиқ тувалиб кетади. Улим ҳолати деярли кузатилмади. Зика иситмасининг махсус иммунопрофилактикаси ишлаб чиқилмаган. Чивин чақишидан асрайдиган кийимларни кийиш, репеллентлардан фойдаланиш, эшик, деразаларга турлар ўрнатиш, чивинларнинг кўзиш, энг асосийси, чивинларни самарали ўтказиш, шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш касалликнинг профилактикасида муҳим ўрин тутди.

**Ҳусан САФАРОВ,**  
Республика ДСЭНМ ўта хавфли юкмули касалликлар бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди

Газетанинг навбатдаги сони 6 март, якшанба кунини чиқади.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan to'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Sharofboyev  
**Tahrir hay'ati:**  
Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanipoyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyeva, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshiev

**BO'LIMLAR:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milly-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillik:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

ishonchdand olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflari fikri tahririyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUQUDLARDAGI MUXBIRLAR:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Xorazm — (+998-95) 502-68-99  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**  
A.Abdullayev  
**Navbatchi:**  
S.Abdurahmonov  
**Musahhirlar:**  
S.Shodiyeva  
**Sahifalovchi:**  
H.Abdullayev

Boshiga topshirish vaqti — 20:40  
Topshirildi — 21:10

1 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va formatlanadi.  
Gazeta oset usulida, A2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma Ғ — 315.  
22440 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133